

Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим
муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини
мувофиқлаштириш бўйича Давлат комиссиясининг
2022 йил 29 декабрдаги 10-сон баёнига
2-илова

**Давлат олий таълим муассасаларига кириш учун берилган имтиёзларнинг ягона
РЕЕСТРИ**

Т/п	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилишига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиган абитуриентлар тоифаси	Хукукий асоси
Имтиҳонсиз қўшимча давлат гранти асосида талабаликка тавсия этиш бўйича имтиёзлар				
1.	Ҳарбий хизматчилар орасидан юқори натижаларга эришган, ҳар бир ҳарбий қисмдан биттадан ёш ҳарбий хизматчи ҳарбий қисм қўмондонлиги (раҳбарияти) ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошлангич ташкилоти тавсияномасига мувофиқ олий таълим муассасаларига тасдиқланган давлат гранти квоталариға қўшимча равища, имтиҳонларсиз қабул қилинади.	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.	Ҳарбий қисм қўмондонлиги ва Ўзбекистон иттифоқининг тавсияномасига эга ёш ҳарбий хизматчилар.	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучларида ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини янада оширишга доир қўшимса чора-тадбирлар” 2017 йил 17 ноябрдаги ПҚ-3394-сон қарори.</p> <p>2. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқищдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори.</p>
2.	Ҳарбий хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда ҳарбий хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ярадор бўлиши, контузия, шикастланиш ёки касалликлар оқибатида ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг офицерлари, сержантлар ва оддий аскарлар таркибига мансуб бўлган контракт бўйича ҳарбий хизматчилари ва	Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идоралар.	Ҳарбий хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳамда ҳарбий хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ярадор бўлиши, контузия, шикастланиш ёки касалликлар	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий кўллаб-куватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3726-сон қарори.</p>

Т/р	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилишига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиганabituriyentlar тоифаси	Хукукий асоси
	Миллий гвардия ходимларининг фарзандлари вазирликлар ёки идораларнинг тегишли тавсияномалари асосида олий таълим муассасаларига киришда белгиланган қабул кўрсаткичларидан ташқари танловсиз давлат гранти асосида ўқишига қабул қилинади.		оқибатида ногиронлиги бўлган шахс бўлиб қолган Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг офицерлари, сержантлар ва оддий аскарлар таркибига мансуб бўлган контракт бўйича ҳарбий хизматчилари ва Миллий гвардия ходимларининг фарзандлари.	2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ҳарбийлари ва унинг таркибига кирувчи вазирлик ҳамда идораларнинг ходимлари фарзандларининг квота асосида республика олий таълим муассасаларига ўқишига кириши учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 22 июнданги 462-сон қарори.
3.	Терроризм, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ички ишлар органлари ходимларининг фарзандлари Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг тавсияномаси асосида белгиланган қабул квоталаридан ташқари давлат гранти асосида Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларининг бакалавриатига (иккинчи таълимдан ташқари) кириш имтихонларисиз қабул қилинадилар.	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.	Терроризм, жиноятчиликка қарши курашиш ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш чоғида ҳалок бўлган ёки олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган ички ишлар органлари ходимларининг фарзандлари.	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 26 февралдаги ПҚ-4212-сон қарори. 2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардиясининг шахсий таркиби ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида” 2022 йил 4 июлдаги 354-сон қарори.
4.	Хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган божхона органлари ходимларининг фарзандлари Давлат божхона қўмитаси раисининг тавсияномаси асосида белгиланган	Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси.	Хизмат мажбуриятини бажариш чоғида ҳалок бўлган, шунингдек, хизмат мажбуриятини бажаришда олган	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ-3665-сон қарори.

Т/р	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилишига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиган абитуриентлар тоифаси	Хукукий асоси
	қабул параметрларидан ташқари давлат гранти асосида Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклига танловсиз қабул қилинади.		жароҳати туфайли ногирон бўлиб қолган божхона органлари ходимларининг фарзандлари.	
5.	Олий таълим муассасаларига ўқишга кириш учун хужжатлар қабул қилиш бошлангунига қадар катталар ва ёшлар ўртасида Олимпия ва Паралимпия ўйинлари дастурлариға киритилган спортнинг олимпия ва паралимпия турлари бўйича Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида охирги тўрт йилда, жаҳон ва Осиё чемпионатларида охирги бир йилда ғолиб ва совриндор (1-3 ўрин) бўлган умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта маҳсус профессионал таълим муассасаларининг битирувчилари олий таълим муассасаларининг жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги таълим йўналишлариға қўшимча давлат гранти асосида кундузги, сиртқи, кечки таълим шаклариға имтиҳон синовларисиз қабул қилинади.	Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги.	Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинларида охирги тўрт йилда, жаҳон ва Осиё чемпионатларида охирги бир йилда ғолиб ва совриндор (1-3 ўрин) бўлган умумий ўрта таълим мактаблари, ўрта маҳсус профессионал таълим муассасаларининг битирувчилари.	Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида” 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори.
6.	Республика (1-ўрин) ва халқаро (1-5-ўринлар) шахмат ва шашка турнирларида ғолиб чиққан академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари битирувчилари педагогик кадрлар тайёрлайдиган олий таълим муассасасига тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонсиз қабул қилинадилар.	Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги.	Республика ва халқаро шахмат ва шашка турнирлари ғолиблари	Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон иқтидорли ёшларини тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида” 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори.
7.	Умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг Зулфия номидаги Давлат мукофоти лауреатлари бўлган ўқувчилари олий таълим муассасаларининг бакалавриатига, бакалавриат талabalari эса олий таълим муассасаларининг магистратурасига тегишли йўналиш ва ихтисослик бўйича кириш синовларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинади.	Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси.	Зулфия номидаги Давлат мукофотлари сохибалари.	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-кувватлаш тўғрисида” 1999 йил 10 июнданги ПФ-2326-сон Фармони. 2. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талabalар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби

Т/р	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилишига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиган абитуриентлар тоифаси	Хукукий асоси
				тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори.
8.	“Ниҳол” мукофоти совриндорлари Маданият вазирлигининг тақдимномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича Давлат комиссиясининг қарори билан маданият, санъат йўналишидаги олий таълим муассасаларининг мос таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонларисиз қўшимча давлат гранти асосида ўқишига қабул қилинадилар (ансамбль, жамоа сифатида иштирок этганлар бундан мустасно).	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги.	“Ниҳол” мукофоти совриндорлари.	<p>1. Вазирлар Маҳкамасининг “Вазирлар Маҳкамасининг “Ёш истеъодлар учун “Ниҳол” мукофотини таъсис этиш тўғрисида” 2000 йил 25 августдаги 334-сон ва “Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёш истеъодлар учун “Ниҳол” мукофоти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2006 йил 14 марта 44-сон қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2006 йил 9 августдаги 169-сон қарори.</p> <p>2. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқищдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори.</p>
9.	Маданият вазирлигининг “Халқ чолғулари ижрочилари”, Мукаррама Турғунбоева номидаги “Миллий рақс ижрочилари” ва Юнус Ражабий номидаги “Ёш мақом ижрочилари” республика кўрик-танловлари ғолибларининг бир нафардан якка ижрочилари тегишли йўналиши бўйича олий таълим муассасасининг бакалавриат босқичига қабул квотасига қўшимча давлат гранти асосида қабул қилинади.	Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги.	Маданият вазирлигининг “Халқ чолғулари ижрочилари”, Мукаррама Турғунбоева номидаги “Миллий рақс ижрочилари” ва Юнус Ражабий номидаги “Ёш мақом ижрочилари” республика кўрик-танловлари ғолиблари.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириши концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2018 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4038-сон қарори.
10.	“Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиблари бўлган умумтаълим ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларининг ўқувчилари олий таълим муассасаларининг бакалавриат босқичига, олий ўқув юртлари талабалари ёки бакалавр даражасига эга ёшлар эса	Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги.	“Мард ўғлон” давлат мукофоти соҳиблари.	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мард ўғлон” давлат мукофотини таъсис этиш чора-тадбирлари

Т/р	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилишига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиган абитуриентлар тоифаси	Хукукий асоси
	магистратура босқичига тегишли йўналиш бўйича кириш имтиҳонларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинадилар.			тўғрисида” 2017 йил 21 ноябрдаги ПҚ-3402-сон қарори. 2. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори.
11.	“Тарбиячи” республика танлови ғолиблари Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларига, мос таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонларисиз қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.	Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги.	“Тарбиячи” республика танлови ғолиблари.	Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори.
12.	“Ҳамшира” республика танлови ғолиблари Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича Давлат комиссиясининг қарори билан тегишли олий таълим муассасаларига, мос таълим йўналишларига танловдан ташқари кириш имтиҳонларисиз қўшимча давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинади.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги.	“Ҳамшира” республика танлови ғолиблари	Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори.
13.	Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига имтиёзли қабул қилиш мақсадида тавсияномалар бериш бўйича республика комиссиясининг тегишли тавсияномасига эга бўлган ёшлар Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича Давлат комиссиясининг қарорига асосан доимий яшаш жойидаги олий таълим муассасаларининг педагогика таълим йўналишларига танловдан ташқари тест синовларисиз ва касбий (ижодий) имтиҳонларисиз давлат грантлари асосида қабул қилинади.	Ўзбекистон ёшлар иттифоқи.	Ўзбекистон иттифоқининг аъзолари.	1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг фаол аъзоларига олий таълим муассасаларига киришда имтиёзлар бериш тўғрисида” 2017 йил 14 ноябрдаги 914-сон қарори. 2. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори.

Т/р	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилишига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиганabituriyentlar тоифаси	Хукукий асоси
14.	<p>Қуйидаги халқаро олимпиадаларда 1-3-ўринни эгаллаган ғолиблар олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларисиз қўшимча давлат гранти асосида қабул қилинади:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Халқаро математика олимпиадаси - International Mathematical Olympiad (IMO); - Халқаро физика олимпиадаси - International Physics Olympiad (IPhO); - Халқаро кимё олимпиадаси - International Chemistry Olympiad (IChO); - Халқаро биология олимпиадаси - International Biology Olympiad (IBO); - Халқаро информатика олимпиадаси - International Olympiad in Informatics (IOI). 	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.	Халқаро олимпиадалар ғолиблари.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтидорли ёшларни аниклаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон қарори.
15.	Президент мактаблари битирувчилари давлат олий таълим муассасаларига умумий белгиланган давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичларига нисбатан қўшимча давлат гранти асосида тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинади.	Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлиги.	Президент мактаблари битирувчилари.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 19 июлдаги ПҚ-5188-сон қарори.
Имтиҳонсиз базавий тўлов-контракт асосида талабаликка тавсия этиш бўйича имтиёзлар				
16.	Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидағи Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек ҳамда Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабларнинг битирувчиларига ихтисослик йўналишидан келиб чиқиб давлат олий таълим ташкилотларининг кимё, биология, физика ва ахборот технологиялари соҳалари учун кадрлар тайёрлайдиган бакалавриат таълим йўналишларига умумий белгиланган қабул параметрларидан ташқари базавий тўлов-контракт асосида тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларисиз ўқишга қабул қилинади.	Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлиги.	Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидағи ихтисослаштирилган мактабларнинг битирувчилари.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 19 июлдаги ПҚ-5188-сон қарори.

Т/р	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилишига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиган абитуриентлар тоифаси	Хукукий асоси
17.	Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидағи ижод мактабларининг битирувчилари ихтисослик йўналишидан келиб чиқиб давлат олий таълим муассасаларининг тилшунослик, адабиёт, педагогика, таржимонлик, журналистика соҳалари учун кадрлар тайёрлайдиган бакалавриат таълим йўналишларига умумий белгиланган қабул параметрларидан ташқари базавий тўлов-контракт асосида тест синовларисиз ва қўшимча имтиҳонларсиз ўқишига қабул қилинади.	Ўзбекистон Республикаси Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидағи ижод мактабларининг битирувчилари.	Президент таълим муассасалари агентлиги тизимидағи ижод мактабларининг битирувчилари.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 19 июлдаги ПҚ-5188-сон қарори.
18.	“Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантириш бўйича республика ташкилий қўмитаси тавсиясига кўра “Заковат” интеллектуал ўйини ва бошқа интеллектуал ўйинларнинг республика босқичида голиб ва совриндор (1-3-ўринлар) бўлган умумий ўрта таълим мактаблари, шу жумладан Президент таълим муассасалари ўқувчилари белгиланган тартибда - ўрта маҳсус ва профессионал таълим муассасалари ҳамда олий таълим муассасаларига, ўрта маҳсус ва профессионал таълим муассасалари ўқувчилари – олий таълим муассасаларининг тегишли таълим йўналишларига, олий таълим муассасалари талабалари – таълимнинг кейинги босқичига умумий қабул параметрларидан ташқари базавий тўлов контракт асосида имтиҳон синовларисиз қабул қилинади.	“Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларнинг республика босқичида голиб ва совриндор (1-3-ўринлар) бўлиб, тегишли тавсияномага эга бўлган абитуриентлар.	“Заковат” интеллектуал ўйини ва бошқа интеллектуал ўйинларнинг республика босқичида голиб ва совриндор (1-3-ўринлар) бўлиб, тегишли тавсияномага эга бўлган абитуриентлар.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Заковат” интеллектуал ўйинини аҳоли ўртасида оммавий-маърифий ҳаракатга айлантириш ва бошқа интеллектуал ўйинларни ривожлантиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” 2022 йил 20 январдаги ПҚ-96-сон қарори.
19.	Ички ишлар органларида уч йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган, касбига фидойи, ташаббускор профилактика (катта) инспекторлари Жамоат хавфсизлиги университети, Тошкент давлат юридик университети ҳамда юриспруденция соҳасида бакалавриат таълим йўналиши мавжуд бўлган бошқа давлат олий таълим муассасаларига (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Ички ишлар вазирлиги Академияси ҳамда Давлат божхона қўмитасининг Божхона институти бундан мустасно)	Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.	Ички ишлар органларида уч йилдан ортиқ иш стажига эга бўлган профилактика (катта) инспекторлари.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг юридик йўналишдаги билимларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 30 ноябрдаги ПҚ-23-сон қарори.

Т/р	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилишига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиган абитуриентлар тоифаси	Хукукий асоси
	(кейинги ўринларда — олий таълим муассасалари) кириш имтиҳонларисиз сиртқи таълим шаклига ўқишига қабул қилинади.			
Тегишли фан бўйича имтиҳондан озод этилиб, маълум миқдорда балл бериш бўйича имтиёзлар				
20.	<p>Асосий олимпиадаларнинг республика босқичида 1-3-ўринларни эгаллаган ўқувчиларга ихтисослик фани бўйича давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш хуқуқини берувчи ва уч йил муддат давомида амал қилувчи электрон сертификатлар берилади.</p> <p>Информатика ва ахборот технологиялари фани бўйича мазкур сертификатни олган ўқувчиларга ихтисослик фан сифатида математика фанидан давлат олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида максимал балл олиш хуқуқи берилади.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги.</p>	<p>Республика олимпиадалари ғолиблари фан</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 3 майдаги ПҚ-4306-сон қарори.</p> <p>2. Вазирлар Маҳкамасининг “Иқтидорли ўқувчилар ўртасида фан олимпиадаларини ўтказиш тизимини такомиллаштириш ҳамда хорижий тилларни ўқитиш бўйича энг яхши мактабни аниқлаш тизимини жорий этиш тўғрисида” 2021 йил 9 сентябрдаги 562-сон қарори.</p>
21.	Тест синовлари (касбий (ижодий) имтиҳон) мажмуасига чет тили фани киритилган барча бакалавриат таълим йўналишларига ҳужжат топширган ва миллий ёки халқаро имтиҳон тизимлари бўйича тилни билиш даражалари B2 ва ундан юқори бўлган сертификатга эга абитуриентларга ушбу фандан имтиҳонларисиз белгиланган максимал балл берилади.	Давлат тест маркази, Хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш агентлиги.	Чет тилини билиш даражаси бўйича миллий ёки унга тенглаштирилган халқаро сертификатга эга абитуриентлар.	<p>Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишда миллий ҳамда халқаро баҳолаш тизимлари сертификатларини татбиқ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 13 майдаги 395-сон қарори.</p>
22.	Маданият вазирлигининг мусиқа, рақс, театр, фольклор, шунингдек, Бадиий академиянинг тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишлари бўйича республика танлови (1-ўрин) ҳамда мазкур йўналишлардаги халқаро танловларнинг (1-3-ўринлар) ғолибларига тегишли олий таълим муассасаларининг касбий (ижодий) имтиҳонларида соҳа бўйича энг юқори балл белгиланган фандан максимал балл олиш имтиёзи берилади.	<p>Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Бадиий академияси.</p>	<p>Мусиқа, рақс, театр, фольклор, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишлари бўйича республика ва халқаро танловлар ғолиблари.</p>	<p>1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон иқтидорли ёшларни тақдирлаш ва моддий рағбатлантириш тўғрисида” 2008 йил 13 октябрдаги 226-сон қарори.</p> <p>2. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби</p>

Т/р	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилишига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиган abituriyentlar тоифаси	Хукукий асоси
	Агар касбий (ижодий) имтиҳонларда энг юқори балл бир нечта фанлардан белгиланган бўлса, abituriyentta имтиёзли максимал балл олиш учун фанлардан бирини танлаш хукуки берилади.			тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори.
23.	“Болалар спорт ўйинлари”нинг жамоавий ўйин турлари бўйича республика босқичи ғолибларига (1-ўрин) олий таълим муассасаларига кириш имтиҳонларида соҳа бўйича мутахассислик фанидан максимал балл олиш хукукини берувчи, уч йил муддат давомида амал қилувчи сертификат берилади.	Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги.	“Болалар ўйинлари”нинг республика босқичи ғолиблари	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 24 январдаги ПФ–5924-сон Фармони.
24.	Тегишли умумтаълим фанини (чет тили бундан мустасно) билиш даражаси тўғрисида давлат намунасидаги сертификатга эга бўлган ва энг юқори баллнинг 60 фоиздан 85 фоизигача тўплаган abituriyentta сертификатдаги ўзлаштириш фоизига мос равишда олий таълим муассасаси бакалавриатига ўқишига қабул қилиш бўйича тест синовларида ушбу фандан белгиланган максимал баллга нисбатан табақалаштирилган (пропорционал) ҳамда 86 фоиз ва ундан юқори балл тўплаган abituriyentta энг юқори балл берилади. Миллий сертификатга эга бўлган abituriyentta тегишли мажбурий фанлар бўйича белгиланган энг юқори балл берилади.	Давлат маркази.	Умумтаълим фанларидан сертификатга abituriyentlar.	Вазирлар Маҳкамасининг “Умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолашнинг миллий тест тизимини жорий этиш тўғрисида” 2020 йил 12 октябрдаги 646-сон қарори.

Тўпланган баллга нисбатан қўшимча балл бериш бўйича имтиёзлар

25.	“Темурбеклар мактаби” битирувчилариiga Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларига ўқишига киришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларида ўзлари тўплаган балларнинг 15 фоизи миқдоридаги қўшимча бал кўринишида имтиёз берилади.	Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати,	“Темурбеклар мактаби” битирувчилари.	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўсмирларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари ва давлат хизмати учун кадрлар захирасини тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”
-----	---	---	--------------------------------------	--

Т/р	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилишига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиган абитуриентлар тоифаси	Хукукий асоси
		Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.		2019 йил 28 июндаги ПҚ-4375-сон қарори. 2. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳакида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори.
26.	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий мусиқа академик лицейи бити्रувчиларига Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларига ўқишига киришда Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларида ўзлари тўплаган балларнинг 15 фоизи (шу жумладан, ижодий имтиҳонлар бўйича) микдоридаги кўшимча баллар кўринишида имтиёз берилади.	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси.	Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий мусиқа академик лицейи бити्रувчилари.	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий мусиқа академик лицейини ташкил этиш тўғрисида” 2022 йил 16 февралдаги ПҚ-129-сон қарори. 2. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳакида” 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарори.
Кўшимча квота доирасида танловда иштирок этиш бўйича имтиёзлар				
27.	Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларидағи олий таълим муассасаларига ўқишига қабул қилишда тест синовлари натижалари бўйича 68 ва ундан юқори баллга эга бўлган Навоий вилоятининг олис чўл туманлари (Конимех, Томди, Учкудуқ)да камида уч йилдан буён истиқомат қилаётган абитуриентлар кейинчалик мутахассислиги бўйича ушбу худудлардаги бюджет ташкилотларида тегишли вилоят ҳокимлиги ва олий таълим муассасаси ўртасида тузиладиган шартнома асосида камида 4 йил ишлаб бериш шарти билан кўшимча давлат гранти асосида имтиёзли ўқишига қабул қилинади. Бунда абитуриент олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига рўйхатдан ўтишда	Навоий вилояти ҳокимлиги.	Навоий вилоятининг олис чўл туманлари (Конимех, Томди, Учкудуқ)да камида уч йилдан буён истиқомат қилаётган абитуриентлар.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Навоий вилоятининг олис чўл туманлари ахолиси турмуш даражасини янада оширишга доир кўшимча чоратадбирлар тўғрисида” 2017 йил 25 апрелдаги ПҚ-2925-сон қарори.

Т/р	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилшига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиган абитуриентлар тоифаси	Хукукий асоси
	танлаган биринчи олий таълим муассасасига (Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларидағи олий таълим муассасаларидан бири бўлса) талабаликка тавсия этилади.			
28.	2021/2022 ўкув йилидан бошлаб келгуси уч ўкув йили давомида Узун тумани Боботоғ худуди учун давлат грантлари бўйича квоталарни ошириш лимитлари доирасида Сурхондарё вилоятидаги педагогика ва тиббиёт йўналишларидаги олий таълим муассасаларига қўшимча маҳсус квоталар ажратилади.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Соғлиқни саклаш вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Давлат тест маркази, Сурхондарё вилояти ҳокимлиги.	Доимий яшаш манзили Боботоғ худуди бўлган абитуриентлар.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2021-2023 йилларда Сурхондарё вилояти Узун тумани Боботоғ худудини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 17 февралдаги ПҚ-4995-сон қарори.
29.	<p>Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг хизматдаги офицерлари, контракт бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари учун олий таълим муассасалари бакалавриатининг кундузги таълим шаклидаги таълим йўналишларига давлат гранти асосида белгиланган умумий қабул квоталарининг беш фоизи ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг хизматдаги ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимларининг фарзандлари учун икки фоизи миқдорида бакалавриат таълим йўналишларининг кундузги таълим шаклига давлат гранти асосидаги қўшимча қабул квоталари ажратилади.</p> <p>Ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари учун қўшимча квоталар вазирлик ва идоралар кесимида тақсимланади ва квота доирасида энг юқори балл тўплаган абитуриентлар ўзлари танлаган биринчи олий таълим муассасасига талабаликка тавсия этилади.</p>	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идоралар.	Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари таркибига кирувчи вазирликлар ва идораларнинг хизматдаги офицерлари, контракт бўйича хизмат қилаётган сержантлар ва оддий аскарлар таркибидаги ҳарбий хизматчиларининг фарзандлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг хизматдаги ҳарбий хизматчилари ҳамда ходимларининг фарзандлари.	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-куватлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3726-сон қарори.</p> <p>2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбийлари ва унинг таркибига кирувчи вазирлик ҳамда идораларнинг ходимлари фарзандларининг квота асосида республика олий таълим муассасаларига ўқишга кириши учун тавсияномалар бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳакида” 2018 йил 22 июндаги 462-сон қарори.</p> <p>3. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул килиш, талабалар ўқишини қўчириш, қайта</p>

Т/р	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилшига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиган абитуриентлар тоифаси	Хукукий асоси
				тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июнданги 393-сон қарори.
30.	<p>Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятида юқори натижаларга эришган ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари фарзандларига олий таълим муассасалари бакалавриат таълим йўналишига (иккинчи таълимдан ташқари) ўқишга кириш учун давлат гранти асосида олий таълим муассасаларига умумий белгиланган қабул квоталарининг беш фоизи миқдорида давлат гранти асосидаги қўшимча қабул квоталари ажратилади.</p> <p>Улар қўшимча қабул квоталари доирасида танлаган биринчи олий таълим муассасаси бўйича танловда иштирок этади.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги.</p>	<p>Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда муносиб ҳисса қўшган, хизмат ёки илмий фаолиятида юқори натижаларга эришган ички ишлар органларининг амалдаги ходимлари фарзандлари.</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органлари ходимлари ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 26 февралдаги ПҚ-4212-сон қарори.</p> <p>2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ва Миллий гвардиясининг шахсий таркиби ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини тартибга солиш тўғрисида” 2022 йил 4 июлдаги 354-сон қарори.</p> <p>3. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талabalар ўқишини кўчириш, кайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида” 2017 йил 20 июнданги 393-сон қарори.</p>
31.	Божхона органларининг хизматдаги офицерлари ва сержантлар таркиби ходимларининг фарзандларига ўқишга кириш учун республика давлат олий таълим муассасалари бакалавриатига ажратилган умумий давлат гранти асосидаги қабул параметрларига нисбатан бакалавриат таълим йўналишларининг кундузги таълим шаклига алоҳида икки фоизли давлат гранти асосидаги квоталар ажратилади.	<p>Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси.</p>	<p>Божхона органларининг хизматдаги офицерлари ва сержантлар таркиби ходимларининг фарзандларига.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ-3665-сон қарори.</p>

Т/р	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилшига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиган абитуриентлар тоифаси	Хукукий асоси
	Улар қўшимча қабул квоталари доирасида танлаган биринчи олий таълим муассасаси бўйича танловда иштирок этади.			
32.	Олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонига нисбатан ногиронлиги бўлган шахслар учун қўшимча икки фоизли давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари ажратилади.	Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (<i>Республика тиббий-ижтимоий экспертиза инспекцияси</i>).	Ногиронлиги (I-II-гурух) бўлган абитуриентлар.	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ногиронлиги бўлган шахсларни давлат томонидан қўллаб-куватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 1 декабрдаги ПФ-5270-сон Фармони.</p> <p>2. Вазирлар Мажкамасининг “Олий таълим муассасаларига ногиронлиги бўлган шахсларни қўшимча давлат гранти квоталари асосида ўқишига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 2 июндаги 417-сон қарори.</p>
33.	“Мехрибонлик” уйлари ва болалар шаҳарчаларининг битирувчилари бўлган чин етимлар, SOS – болалар маҳаллалари ва оиласиий болалар уйлари битирувчилари, шунингдек, васийликка, ҳомийликка ёки оиласа тарбияга олинган (патронат) етим болалар (йигирма беш ёшга тўлмаган) учун олий таълим муассасаларига абитуриентларни қабул қилишнинг умумий сонига қўшимча равишда бир фоизгача давлат гранти асосидаги қабул квоталари ажратилади.	Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Миллий гвардия.	“Мехрибонлик” уйлари ва болалар шаҳарчаларининг битирувчилари бўлган чин етимлар, SOS – болалар маҳаллалари ва оиласиий болалар уйлари битирувчилари, шунингдек, васийликка, ҳомийликка ёки оиласа тарбияга олинган (патронат) етим болалар.	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бола хукуклари кафолатларини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 22 апрелдаги ПҚ-4296-сон қарори.</p> <p>2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-куватлашнинг янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 9 августдаги ПҚ-5216-сон қарори.</p>
34.	Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан бериладиган тавсияномага эга бўлган эҳтиёжманд оиласалардаги хотин-қизларга олий таълим муассасаларига ўқишига кириш учун бакалавриат таълим йўналишларининг	Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси.	Ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар.	1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотин-қизларни қўллаб-куватлаш, уларнинг жамият ҳаётидаги фаол иштирокини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари

Т/р	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилишига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиган абитуриентлар тоифаси	Хукукий асоси
	<p>кундузги таълим шаклига қўшимча тўрт фоиз давлат гранти асосида қабул квоталари ажратилади.</p> <p>Хотин-қизлар учун қўшимча квоталар худудлар ва соҳалар кесимида тақсимланади ҳамда квота доирасида энг юкори балл тўплаган абитуриентлар ўзлари танлаган биринчи олий таълим муассасасига талабаликка тавсия этилади.</p>			<p>тўғрисида” 2021 йил 5 мартағи ПҚ-5020-сон қарори.</p> <p>2. Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларига қўшимча давлат гранти асосидаги қабул кўрсаткичлари доирасида эҳтиёжманд оиласардаги хотин-қизларга танловда иштирок этиш учун тавсиянома бериш ва уларни ўқишга қабул қилишни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2020 йил 23 июнданги 402-сон қарори.</p>
35.	<p>Маҳалла ва нуронийларни кўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан берилган тавсияномага эга бўлган абитуриентлар учун педагогика ва молия-иқтисод соҳаларида олий таълим муассасаларида “Ижтимоий иш (фаолиятнинг турли соҳалари бўйича)” бакалавриат таълим йўналиши бўйича сиртқи таълим шакли учун қўшимча қабул кўрсаткичлари ажратилади.</p>	<p>Маҳалла ва нуронийларни кўллаб-қувватлаш вазирлиги.</p>	<p>Маҳалла ва нуронийларни кўллаб-қувватлаш вазирлиги томонидан берилган тавсияномага эга бўлган абитуриентлар.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари учун кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 8 январдаги 3-сон қарори.</p>
36.	<p>Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафиди муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномаларида эга бўлган абитуриентларни республика давлат олий таълим муассасалари бакалавриатига ўқишга кириши учун умумий қабул параметрларидан ташқари алоҳида қабул кўрсаткичлари ажратилади.</p> <p>Алоҳида қабул кўрсаткичлари ҳар бир олий таълим муассасасининг бакалавриатига (ҳар бир таълим шакли бўйича) ўқишга қабул қилишнинг давлат буюртмаси параметрларининг беш фоизи микдорида белгиланади.</p> <p>Тавсияномага эга абитуриентлар улар учун белгиланган алоҳида қабул кўрсаткичлари доирасида, танлаган биринчи олий таълим муассасаси бўйича танловда иштирок этади.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги.</p>	<p>Ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномасига эга бўлган абитуриентлар.</p>	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафиди муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларида эга бўлган фуқароларни олий таълим муассасаларида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2012 йил 31 майдаги ПҚ-1765-сон қарори.</p> <p>2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари сафиди муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаларида эга бўлган фуқароларни олий таълим муассасаларида қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2019 йил 17 августдаги 681-сон қарори.</p>

Т/р	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилишига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиган абитуриентлар тоифаси	Хукукий асоси
37.	<p>Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси раисининг тавсияномасига асосан ўрмончилар ва уларнинг фарзандлари учун олий таълим муассасаларининг тегишли таълим йўналишларига давлат гранти асосида белгиланган қабул квотасига нисбатан 20 фоиз қўшимча қабул кўрсаткичлари ажратилади.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси.</p>	<p>Ўрмончилар ва уларнинг фарзандлари.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4850-сон қарори.</p>
38.	<p>Давлат органлари ва ташкилотларда мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажи мавжуд, бироқ олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизларга Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан бир марта 3 йил муддат давомида амал қиласиган тавсиянома берилади.</p> <p>Кириш имтиҳонлари якунларига кўра, тўпланган балл бўйича талабаликка тавсия этилмаган, бироқ тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг 30 фоизини ва ундан кам бўлмаган баллни тўплаган тавсияномага эга бўлган хотин-қизлар Ўзбекистон Республикаси давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича Давлат комиссияси томонидан тақсимланган квоталар асосида, баллар кетма-кетлигига қаттий риоя этилган ҳолда, алоҳида қабул параметрлари (жами 500 та квота) доирасида танловга кўра тўлов-контракт асосида ўқишга тавсия этилади.</p> <p>Улар рўйхатдан ўтишда танлаган биринчи таълим йўналишига танлов натижаси асосида талабаликка тавсия этилади.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси.</p>	<p>Мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига эга, лекин олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамасининг “Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 9 июндаги 322-сон қарори.</p>
Қўшимча имтиёзлар				
39.	<p>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги юридик техникумлари битирувчилари “юриспруденция” мутахассислиги бўйича юридик кадрларни тайёрлашни амалга оширувчи давлат олий таълим муассасалари бакалавриатига тест синовларисиз якка тартибда сухбат</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги.</p>	<p>Адлия вазирлиги юридик техникумлари битирувчилари.</p>	<p>Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тизимидағи таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари</p>

T/р	Имтиёз тавсифи	Имтиёз берилишига масъул вазирлик, идора номи	Имтиёз бериладиган абитуриентлар тоифаси	Хукукий асоси
	ўтказиш орқали бакалаврларни тайёрлашнинг маҳсус уч йиллик дастури бўйича ўқишга қабул қилинади.			тўғрисида” 2021 йил 22 ноябрдаги 705-сон қарори.
40.	<p>Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар ўз соҳасига мос бакалавриат таълим йўналишлари бўйича кириш имтиҳонларисиз якка тартибдаги сухбат орқали олий таълим муассасаларига қабул қилинади ва ўқишини 2-курсдан давом эттириш хуқуқига эга бўлади.</p> <p>Техникумни муваффақиятли тамомлаганлар тоифасига техникумдаги бутун ўқиш даврида ўқув семестрлари якунига кўра ўзлаштириш баҳолари “5 (аъло)” ва “4 (яхши)”, бироқ ўзлаштириш баҳоларининг камидаги 50 фоизи (тибиёт олий таълим муассасалари учун камидаги 85 фоизи) “5 (аъло)” бўлган битирувчилар киради.</p>	Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги.	Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчилар.	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони.</p> <p>2. Вазирлар Махкамасининг “Техникумларни муваффақиятли тамомлаган битирувчиларни олий таълим муассасаларининг бакалавриат таълим йўналишларига сухбат асосида ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2022 йил 11 январдаги 17-сон қарори.</p>
41.	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тавсиясига кўра олий маълумотга эга бўлмаган ҳоким ёрдамчилари давлат олий таълим муассасаларининг иқтисодий таълим йўналишларига давлат гранти асосида сиртқи таълим шаклига сухбат асосида ўқишга қабул қилинади.	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тавсиясига кўра олий маълумотга эга бўлмаган ҳоким ёрдамчилари давлат олий таълим муассасаларининг иқтисодий таълим йўналишларига давлат гранти асосида сиртқи таълим шаклига сухбат асосида ўқишга қабул қилинади.	Олий маълумотга эга бўлмаган ҳоким ёрдамчилари.	<p>Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ҳоким ёрдамчилари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 3 декабрдаги ПҚ-31-сон қарори.</p>